# Фарғона ҳақиқати

Ёшлик, бу — орзу.
Бу — ишонч.
Бу — истиқболнинг
бошланиши.
Нозим ҲИКМАТ.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган | farhaqiqat.uz | @farhaqiqati | 2020 йил 26 декабрь, шанба № 103 (24492)


# ЁШЛАР – ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИ, БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

**Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшлари форумида иштирок этди ва мамлакатимизда биринчи бор ўтказилаётган ушбу анжуманда ёшларга Мурожаат қилди.**

– Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда сизларнинг ғайрат-шижоатингиздан куч-қувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида қадрлайман, – деди Шавкат Мирзиёев нутқининг аввалида.

– Биз юртимизда қандай ислоҳотларга қўл урмайлик, аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг куч-ғайратингиз, азму шижоатингизга суянамиз. Барчангиз яхши биласиз, бугун ўз олдимизга улкан марралар қўйганмиз. Она Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришдик. Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, ёшлар билан ишлаш бўйича Тошкент шаҳри намунаси яратилиб, ўғил-қизларнинг муаммолари, таклиф ва истакларини бевосита ўрганиш йўлга қўйилди. Ушбу тажриба мамлакатимиз бўйлаб кенг қанот ёзиб, барча шаҳар ва туманларда Ёшлар фестиваллари ўтказилди.

Бундан буён вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, вазирлар ва масъул раҳбарлар ёшлар билан учрашувларни мунтазам равишда йўлга қўяди. Ҳокимлар ёшларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиб, ижросини таъминлайди. Шу масала бўйича ҳар 6 ойда маҳаллий кенгашларга ҳисобот беради ва келгуси ярим йиллик учун режаларни белгилаб олади.

"Ёшлар: 1+1" дастури доирасида ишсиз ва уюшмаган ёшларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ташкил этилади. "Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор" тамойили асосида 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ёшни бириктириш ташаббуси кўплаб тадбиркорларимиз томонидан фаол қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбари эркин иқтисодий зоналар бўйича мавжуд тажриба асосида, ҳудудларда Ёшлар кичик саноат зоналари ташкил этилишини эълон қилди. Бу саноат зоналарида ўсиб келаётган авлод вакилларининг бизнес лойиҳалари жойлаштирилади.

– Ёшларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошида алоҳида жамғарма ташкил этилади ва унга 100 миллион доллар маблағ ажратилади. Жамғарма ёшларнинг лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун қулай шартларда ва паст фоизларда молиялаштиради. Бундан ташқари, кичик саноат зоналарида ишлаб чиқариш бинолари қурилиб, ёшларга имтиёзли шартларда ижара ва лизинг асосида берилади.

– Бугун ўз тенгдошларига ибрат бўлаётган, жамиятдаги янгиланишлар жараёнида фаол иштирок этаётган ёшларимиз жуда кўп. Лекин, ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган, адашган, кўмакка муҳтожлари ҳам йўқ эмас. Шунинг учун ёшлар, айниқса, уларнинг уюшмаган қатлами билан масъуллар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга хизмат қиладиган "Ёшлар мурожаати" электрон платформасини яратиш вазифаси топширилади, – деди давлат раҳбари.

Навқирон авлод вакилларида бизнес кўникмаларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

— Яқинда ўтказилган ижтимоий сўровлар аксарият ёшларимизда ижобий мотивация, бизнес ва тадбиркорлик соҳасида зарур билим ва малака етишмаслигини кўрсатди. Демак, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ишларни янада кучайтириш лозим, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шуни инобатга олиб, касб-ҳунар ҳамда тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш орқали махсус сертификат олган ёшларга Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз паст ставкада микрокредитлар ажратиш юзасидан зарур чоралар кўрилади. Бу кредитлар 7 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан берилади.

Ушбу мақсадлар учун 2021 йилда 45 миллион доллар ажратилиши, шунингдек, ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ҳар бир вилоятга 100 миллиард сўмдан кредит маблағлари йўналтирилиши қайд этилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш ва ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ҳам устувор вазифалардан бири.

Ўтган уч йил мобайнида мамлакатимиз бўйича 5 минг 100 тадан ортиқ намунали ёш оилага арзон уй-жойлар қурилиб, қарийб 200 миллиард сўм миқдорида бошланғич бадал пуллари тўлаб берилди. Бунинг мантиқий давоми сифатида 2021-2023 йилларда Ёшлар уйларини қуриш дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш вазифаси белгиланди.

— Сиз Хоразмийлар, Фарғонийлар, Беруний ва Ибн Сино, Улуғбек, Навоий ва Бобурлар, Бухорийлар, Термизийлар авлодисиз. Ана шундай буюк ватандошларимиз яратган бебаҳо билим ва кашфиётлар бугун ҳам бутун инсониятга хизмат қилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари. – Улуғ алломаларимиз, ўзларининг оламшумул кашфиёт ва ихтироларини сизнинг ёшингизда – айни кучга тўлган навқирон чоғларида амалга оширганлар. Сиз ҳам, буюк аждодлардан ибрат олиб, ҳаётда мўъжизалар яратишга астойдил интилишингиз керак.

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, сизларга айтадиган маслаҳатим шу: илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик – умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг! Сизлар мустақиллик фарзандларисиз. Ота-боболарингиз кўрган тўсиқ ва қийинчиликларни кўрмай, озод Ватанда эркин нафас олиб, вояга етяпсизлар. Юксак мақсадлар йўлида сиз – ёшлар ҳал қилувчи куч бўлишингиз керак. Мен сизларнинг зиммангизга юкланган ана шундай улкан масъулиятни, том маънодаги тарихий вазифани шараф билан адо этишингизга қатъий ишонаман.

Давлатимиз раҳбари ёшлар замонавий илм-фан ва юқори технологияларни мукаммал эгаллаши зарурлиги, бунинг учун барча куч ва имкониятлар ишга солинишини айтиб ўтди.

– Шу мақсадда таълим тизимида туб ислоҳотларни амалга оширяпмиз. Соҳада мутлақо янги тизим – Президент ва ижод мактаблари, математика, химия, биология фанлари бўйича махсус мактабларни ташкил этяпмиз. Ёшларимизга IT технологияларни чуқур ўргатадиган таълим масканларининг сони тобора кўпайиб бормоқда.

Бу ишларимизнинг илк меваларини кўра бошладик. Сўнгги уч йилда мамлакатимиз ёшлари нуфузли халқаро танлов ва мусобақаларда беш ярим мингтага яқин совринли ўринларни қўлга киритди.

Тошкент шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси Фирдавс Абдуқаюмов IELTS дастури бўйича юқори балл тўплаб, АҚШнинг Жон Кэрролл университетида таҳсил олиш учун 96 минг долларлик грант соҳибига айланди. Фирдавс ўғлимни, унинг ота-онаси ва ўқитувчиларини чин дилдан табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, янги ютуқлар тилайман.

Шавкат Мирзиёев умумхалқ ҳаракатига айланган беш муҳим ташаббусни амалга ошириш учун шароитларни яхшилаш масаласига тўхталиб ўтди. Шу мақсадда жойлардаги 459 та маданият марказини таъмирлаш ва жиҳозлашга доир алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

– Бу муаммони албатта ҳал қиламиз, – деди Президент. – Лекин мени масаланинг бошқа жиҳати кўпроқ ўйлантиради. Маданият ва санъат йўналишида ўқишни тамомлаган ёшларимизнинг кўпчилиги пойтахтда қолишни афзал кўряпти. Бу аҳволда, катта харажатлар эвазига жойларда барпо этилаётган маданият ва маърифат марказларида эртага ким ишлайди? Қишлоқлардаги ёш иқтидор эгаларини ким излаб топади, уларни ким тарбиялайди? Шу муносабат билан, вилоят ҳокимлари ҳар қайси туман ва шаҳардан 5 нафаргача ёшларни маданият ва санъат олийгоҳларида маҳаллий бюджет ҳисобидан ўқитади. Келгусида уларни ўз ҳудудида уй-жой ва мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш чораларини кўради.

Изланувчан йигит-қизларни рағбатлантириш мақсадида жорий йилда ёшлар ўртасида энг яхши илмий ишланмалар учун умумий қиймати 30 миллиард сўмдан ортиқ бўлган "Ёш олимлар" инновацион лойиҳалар танлови эълон қилинди.

2021 йилдан бошлаб мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари ўртасида "Бўлажак олим" танловини ташкил қилиш орқали ёшларнинг энг яхши инновацион ҳамда стартап лойиҳаларига 50 миллиард сўм маблағ йўналтириш бўйича кўрсатма берилди.

— Ўрни келганда, сизларга яна бир муҳим янгиликни айтиб ўтмоқчиман. Кейинги йилдан олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёш учун Президент гранти жорий этилади. Агар мавжуд Президент стипендияси фақат бир ўқув йили учун мўлжалланган бўлса, ушбу грант маблағлари тўрт йил давомида тўлаб борилади.

Илм йўлини танлаган иқтидорли ёшларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида кейинги йилдан бошлаб магистратура ва докторантура босқичлари учун Президент стипендияси квотасини икки баробарга оширамиз. Ишончим комилки, бундай имконият ва имтиёзларга аввало янги Ренессанс пойдеворининг бунёдкорлари сазовор бўлади, – дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

– Келгуси йили буюк бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаймиз. Ёшларимизга ҳазрат Навоий ижодини чуқур ўргатишни тизимли йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун Алишер Навоий асарларининг бугунги ёшлар тушунадиган ихчам намуналарини яратиб, турли мобил илова ва электрон дастурлар ишлаб чиқиш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Тошкент шаҳрида замонавий муҳташам кутубхона барпо этиш таклифини билдирди.

– Бу маърифат саройи илм-фаннинг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланади. Бу даргоҳда юртимиз ва жаҳондаги энг нодир, ноёб ва бебаҳо асарлар жамланади. У буюк аждодларимизнинг бой мероси ва номларини бутун дунёга тараннум этадиган, барча юртдошларимиз, биринчи навбатда, сиз, қадрли фарзандларимиз учун чинакам зиё масканига, ғурур ва ифтихоримиз рамзига айланади, деб ишонаман.

Яқинда мамлакатимизнинг спорт ҳаётида қувончли янгилик бўлди. Осиё Олимпия Кенгашининг қарорига кўра, 2025 йилда Ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинларига Тошкент шаҳри мезбонлик қилиши белгиланди. Бу мусобақада Осиё қитъасидаги 45 та давлат ёшлари 20 га яқин спорт тури бўйича ўзаро беллашади.

– Бундай нуфузли халқаро спорт ўйинларининг Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба ўтказилиши барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди, албатта. Шу билан бирга, у бизга ғоят катта масъулият ҳам юклайди. Мана, сизлар каби навқирон ва азамат ёшларнинг ўз куч ва маҳоратини кўрсатиб, Ватанимиз байроғини юксакка кўтаришлари учун яна бир зўр имконият, – деди Шавкат Мирзиёев.

Форумда ёшлар маънавияти билан боғлиқ муаммолар ҳам очиқ айтилди. Жаҳонда турли низо ва зиддиятлар авж олаётгани, терроризм, экстремизм балоси ва бошқа таҳдидлар интернет маконига чуқур кириб, мослашиб олгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари форумда ёшлар келажаги билан боғлиқ ҳар қандай вазифа бирламчи аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

– Ёшлар билан ишлаш Президентдан тортиб вазиргача, ҳокимдан тортиб маҳалла раисигача – ҳаммамизнинг энг асосий ишимизга айланиши зарур. Ҳар қайси ҳоким, ҳар бир вазир, ҳар қайси маҳалла раиси "Бугун мен ёшлар учун нима иш қилдим? Эртага фарзандларимиз манфаати учун яна нима иш қилишим керак?" деган саволларга жавоб берадиган, шундай эътиқод билан яшайдиган вақт келди.

Азиз фарзандларим! Халқимиз, Ватанимиз сизлардан буюк ишлар кутаётганини ҳеч қачон ёдингиздан чиқарманг! Юртнинг юксак ишончи ва умидини тўла оқлаш, унга муносиб бўлиш дунёдаги энг улуғ бахтдир. Шундай шараф барчангизга насиб этсин, – деди Шавкат Мирзиёев сўзининг якунида.

Форумда мамлакатнинг барча вилоятларидаги ёшлар билан видеоселектор орқали очиқ мулоқот ўтказиш имкони бор эди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев форумнинг ҳудудий студияларида иштирок этаётган ёшлар билан мулоқот қилди.

**ЎзА.**

Хушхабар

# ЁШ ОИЛАЛАРГА ЯНГИ ЙИЛ ТУҲФАСИ



**Риштонлик ёш оила Аброрхон ва Нигора Бурҳоновлар ўз уйи бўлишини истарди. Йилнинг хосиятини қаранг, дилдан қилинган ниятлар ижобат бўлди: вилоят марказида фойдаланишга топширилган кўп қаватли "Ёшлар уйи" хонадонларидан бири уларга насиб этди.**



Бугун мамлакатимизда чинакам бахт оғушидаги бундай оилалар жуда кўп. Негаки, уларни рағбатлантириш, уй-жой ва маиший шарт-шароитларини янада яхшилаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган ёш оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари асосида уйлар қуриб берилмоқда. Бу эзгу саъй-ҳаракатлар юксак ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси сифатида қалбларда чексиз миннатдорлик туйғусини уйғотаяпти. Жумладан, вилоятимизда 2019-2020 йилларда 110 та шундай уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилгани юксак эътибордан далолатдир.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 27 августда қабул қилинган "Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Вилоят марказида бунёд этилган 48 хонадондан иборат "Ёшлар уйи" ана шу ишларнинг узвий давомидир."Far stroy group" хусусий корхонаси томонидан қурилиш ишлари бажарилиб, 4,5 миллиард сўмлик маблағ сарфланди.

"Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғинидаги мазкур кўп қаватли уйнинг очилиш маросими катта шодиёнага айланди.

Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров юртимизда навқирон авлод вакилларига яратилаётган кенг имкониятлар, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ёшлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси эканлигини таъкидлади. Ёш оилаларга янги уйларнинг калити тантанали топширилди.

Ҳозирга қадар хонадонларнинг 28 таси узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари асосида ажратилди. Мазкур оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ёшлар иттифоқи томонидан уй дастлабки бадалининг 65 фоизигача бўлган қисми молиялаштирилиб берилди.

Замонавий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган "Ёшлар уйи"да барча шароит мавжуд.

— Шундай шинам икки хонали уй-жойга эга бўлганимиздан беҳад хурсандмиз, — дейди Ёшлар агентлиги вилоят бошқармаси мутахассиси Музаффар Маматқулов.
— Ёшларга юксак эътибор қаратиладиган, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган мамлакат дунёда кам топилади. Ўз уйи бор ёшларнинг кўнгли, албатта, хотиржам бўлади. Шу боис бунинг қадрига етиб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишимиз лозим.

Янги йил байрамини ўз уйида нишонлашдек бахт насиб қилган бу ёшларга ҳавас қилса арзийди.

**М. СУЛАЙМОНОВ.**
**М. ҚОДИРОВ олган суратлар.**



Таълимдаги оғриқлар

**Қўқон шаҳридаги 28-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Сайёра Каримова (исм-шариф ўзгартирилган) математика фанини яхши кўради-ю, карра жадвалини билмайди. "Ҳаяжонланяпти-да", – дейди синф раҳбари Гулруҳ Темирова. Хўп, майли, дея 2-синф рус тили дарслигини варақлаган кўйи, яқиндагина ўтилган мақол нима-ю, унга бирорта мисол келтиришини сўрасак ҳам қизалоқнинг кўзи ерга қадалган. Ҳар хил саволларга жавоб беролмай изза бўлган Сайёра устозига қараб охири ёрилди: "Ўзингиз ўргатмагансиз-да!".**

# БИЛИМСИЗЛИК – ИСИТМА, КАСАЛИНГИЗНИ ОШКОР ҚИЛИБ ҚЎЯДИ, УСТОЗЛАР!

Бола-да. Алдолмайди, биз катталардек вазиятни хаспўшлашни билмайди. Ҳурматли устоз, ўқувчи бир ҳаяжонланар, икки ҳаяжонланар, аммо саволларга жавоб бера олмаслик ҳаяжонидан эмаслигини сиз ҳам, мен ҳам яхши билиб турибмиз-ку! Турли кўргазма қуроллари, тозалик бурчаги, телевизору ҳисоботингиз билан ўзингизни ҳам, ўқувчиларингизни ҳам чалғитманг. Яхшиси, уларга билим беринг. Сизнинг ҳисоботингиз, юзингиз, меҳнатингиз – мана шу қиз. Эътиборингизни шаклга эмас, мазмунга қаратинг.

Ахир, авваллари битта шам ёғдусида, битта қаламу китоб билан, узоққа бормайлик, ўзимизнинг аждодларимиз етти-саккиз тилда равон сўзлашганлар, дунё цивилизациясига ҳисса қўшганлар. Нега бугун фарзандларимиз шунча шарт-шароит, имконият бўла туриб, бунчалик билимсиз бўлиб қолишмоқда? Бировнинг боласига ичингиз ачишмаса, ўзингизнинг фарзандингиз ҳам худди шу таълим-тарбияни олиб ўсяпти. Унинг эртага ким бўлиши, келажаги сизни ўйлантирмайдими?

Ахборот коммуникация технологияларига ихтисослашган 6-ИДУМ Қўқондаги бошқа мактабларга ибрат бўлса арзигуликдек. Аммо... энг яхши таълим даргоҳи деб келганимиз бу ерда ҳам 6-синф ўқувчилари она тили ва адабиёт фани ўқитувчисининг савиясини шундоқ кўрсатиб қўйдилар. Уларнинг Word матн муҳарририда ёзган сўзларини шундайича келтираман, хулоса ўзингиздан. "Talim tarbiya, imtixon, muassasa" – бу бириники бўлса, яна бириники қуйидагича: "Mening tarjimayi xolim. Men Muxammadova Muxtasar" (хато сақланган, ўқувчи исм-шарифи ўзгартирилган)...

Таажжуб ва таассуфимга жавоб қилгандек, "Ота-оналарнинг фарзандларини рус боғча ва мактабларга беришга интилишлари кучли, – дейди мактаб рус тили ўқитувчиси Наргиза Ҳайитова. – Бироқ ўзлари рус тилини билишмайди, уйда мулоқот йўқ. Натижада, кўп болалар на рус тилини, на ўзбек тилини мукаммал билишади. Саводсизликнинг авж олиши шундан".

## Фарзандингиз тақдирига бефарқ эмасмисиз?

– Ўғлингиз қайси мактабда ўқийди? – сўрадим ҳайдовчидан Қўқон сафарига кетарканмиз.

– 28-мактабдамиди? Ҳаа, йўқ, 25-мактабда.

– Унинг ўқиши билан шуғулланасизми ишдан қайтгач?

– Кечки соат 21 ларда қайтаман одатда, бу пайтда болаларим ухлаб қолган бўлади. Эрталаб саҳар 5 да машинага газ қуйиш учун чиқаман.

– Унда оналари шуғулланар экан-да?

– Рафиқам ҳам ишдан кеч қайтади...

– Демак, болалар бобо-бувиларининг гарданида экан...

– Шунақа.

Аслида, ҳаммамиз ҳам болам учун деб югуриб юрамиз. Бироқ, унинг таълим-тарбияси, шу икки омилга боғлиқ бўлган келажаги, тақдирига вақт ажратолмасак, бу югуришларимиздан нима наф экан?

3

# Мавжуд қувватлар қачон тикланади?

**Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров ҳозирда иш ўринлари қисқариб, иш жойлари бўш турган йирик корхоналарни қайта иқтидорга келтириш юзасидан топшириқлар берди**



Яхшидир
**АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ**

## ТАДБИРКОРСИЗ ФАЙЗИ ЙЎҚ ВА АБГОР БИНОЛАР...

**Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияси" ДУКнинг "Қувасой" кичик саноат зонаси 2018 йили 11,8 гектар майдонда ташкил этилган бўлиб, "Қувасой чинни заводи" ўрнида фаолият бошлаган ва бугунги кунга қадар 12 та лойиҳа доирасида 1022 та янги иш ўрни яратилди.**

Аммо аксарият кўп қаватли бинолар тадбиркорлар жалб этилиб, самарали фойдаланилмаётгани туфайли қаровсиз ва ташландиқ ҳолатда ҳувиллаб ётибди. Ваҳоланки, саноат зонасида муҳандислик-коммуникация тармоқлари, табиий газ ва электр энергияси масаласида муаммо йўқ.

— Айни пайтда ҳудудда бор-йўғи 4 та лойиҳа ишлаяпти, унинг доирасида 300-350 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланган, — дейди "Қувасой" кичик саноат зонаси мутахассиси Баҳодир Парпибоев. — Боиси яхши ният билан иш бошлаган кўплаб тадбиркорлар кетиб қолмоқда.

Шунинг учун ҳам бу ерда жойлашган бўш бинолар ўтган икки йил давомида бир неча маротаба қўлдан-қўлга ўтди. Фойдаланишга жой олиб қўйиб, умуман келмаётган тадбиркорлар ҳам йўқ эмас. Баъзилари бизнес-лойиҳани тўлиқ амалга оширмай ташлаб кетган бўлса, айрим тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бозорда ўз харидорини топа олмади.

Ҳозирги кунда омборларда тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар харидорини кутиб ётган бўлса, кичик цехларда ишлаб чиқарилаётган айрим маҳсулотлар ҳам рақобатдош бўлолмайди. Чунки маҳсулот сифати, кўриниши бугунги харидор дидига мос эмас. Шу боис бу каби саноат зоналарига тадбиркорларни жойлаштиришда масаланинг бозор талаблари жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш керак. Эскирган услубда ишлаш, кўр-кўрона иш ўринлари яратиш билан мақсадга эришиш қийин.

Албатта, "Қувасой" кичик саноат зонасида амалга оширилган муваффақиятли лойиҳалар ҳам бор. "Quvasoy Universal Best Textile Group" МЧЖ томонидан Хитой, Туркия технологиялари асосида 60 турдаги кийим-кечаклар тайёрланиб, асосан Россияга экспорт қилинмоқда. Корхонада 200 нафар қувасойлик хотин-қизлар иш билан таъминланган бўлиб, менежмент ва маркетинг ишларини ривожлантириш мақсадида Туркиядан уч нафар малакали тадбиркорлар ҳам жалб этилган.

Тадбиркор Дилмурод Аҳмедов бизнес-режасига кўра, хитойлик ҳамкорлар кўмагида қурилиш материаллари учун қўшимча хом ашё ишлаб чиқарилмоқда. Аммо хитойлик тадбиркорлар билан амалга оширилган бир неча лойиҳалар кутилган натижани бермади. Шу сабабли тадбиркорлик лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишда жаҳон бозоридаги талаб ва таклифни жиддий ўрганиш, илм-фан ютуқлари ва инновацион ғоялардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.







Яқинда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров Қувасой шаҳрида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар билан танишиб, кичик саноат зонасидаги ачинарли ҳолатни кескин танқид қилди.

— Эсиз бинолар! – деди вилоят раҳбари фойдаланилмай, нураб ётган кўчмас мулкларни кўздан кечириб. — Бу бинолардан оқилона фойдаланилганда қўшимча яна минглаб иш ўринлари яратиш мумкин эди. Афсуски, шаҳар ҳокимлиги ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари "Қувасой" кичик саноат зонасига тадбиркорларни жалб этиш борасида йиллар мобайнида сусткашлик қилиб келган.

Ташаббус йўқ жойда тадбиркорлик ривожланмайди. "Қувасой" кичик саноат зонаси фаолиятини замонавий мезонлар асосида ривожлантириш учун эса тадбиркорларни кенг жалб этиш, истиқболли бизнес-лойиҳаларни амалга оширишга ҳаракат қилиш зарур. Акс ҳолда, бу бинолар эгаси йўқ уйдек – кўримсиз ва абгор ҳолда тутдек тўкилаверади!..

**Ботир МАДИЁРОВ.**
**Суратларни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.**

---

## UZSALAMAN: РИВОЖЛАНИШ ҲАҚИДА ҚАЙҒУРИШ ПАЙТИ КЕЛДИ

**1995 йилда Фарғона пойабзал фабрикаси базасида бунёдга келган қўшма корхона — "Ўзсаламан" ОАЖ эркак ва аёллар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Фабрика маҳсулоти, асосан, ички бозорда сотилади.**







Ҳар қандай корхона аҳволини унинг бино-иншоотлари ички қиёфасидан ҳам билиб олиш мумкин. "Ўзсаламан" ОАЖда иши юришган корхонага хос бўлмаган тушкун муҳит ҳукмрон. Бироқ, тан олиш керак: цехлар ҳам, ҳовли ҳам тоза, саранжом-саришта, лекин ички деворларига ўтириб қолган чанг ва нам излари уларнинг таъмир талаб эканлигини кўрсатади. Мукаммал таъмирдан сўнг маъмурий бинога замонавий қиёфа бахш этган унинг олд томонигина корхона ҳақида акс фикр уйғотиши мумкин.

"Ўзсаламан" – паст рентабелли корхона, шу билан бир вақтда у ички бозорда тагчарм қуйиш бобида монополист ҳисобланади. Бу таъкид мақола муаллифиники эмас, балки бундан ўн йил муқаддам корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиб чиққан иқтисодчиники. Бироқ, у бугун ҳам долзарбдир.

Охирги йилларда "Ўзсаламан" анча қувватдан қолган. Ахир, ўйлаб кўринг: қачонлардир Фарғона туманидаги Миндон, Оқбилол қишлоқлари ҳамда Сўхда ўз филиалларига эга бўлган собиқ пойабзал фабрикасида 2,5-3 минг нафаргача ишчи банд бўлган. Бугун эса, "Ўзсаламан" ОАЖ бош директори Равшан Абдуллаевнинг айтишича, 170 нафаргина ходим бор. Шу билан бир вақтда жамиятнинг ишлаб чиқариш майдони 1,58 гектарга тенг бўлиб, унинг 0,88 гектаридангина фойдаланилади, холос. Аҳоли энг зич жойлашган вилоятлардан бири бўлмиш бизнинг вилоятда ишсизлик масаласи кескин бўлган бир пайтда, мавжуд майдонга бундай ноокилона муносабатдан ҳайратланмай қолмайсан, киши. Боз устига, Россиянинг Омск шаҳридаги "Узсаламан-Сибирь", Москва вилоятидаги Волоколамск шаҳридаги "Узсаламан" савдо уйлари дурустроқ ишлашга улгурмай, ёпилган. Бунга, афтидан, маҳсулотнинг вақтида етказиб берилмаганлиги, сифатнинг талабга жавоб бермаганлиги ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг камлиги сабаб бўлган. Дарҳақиқат, бу, шахсий манфаатларини кўзлаган ва асбоб-ускунанинг талон-тарож қилинишига йўл қўйиган собиқ менежерлар, ҳозирги менежерларнинг сусткашлиги ва маркетологларнинг узоқни кўра билмаслиги ёки малакаси пастлигидан далолат.

Ишлаб чиқариш майдонига ақл кўзи билан қарамаслик масаласига келсак. Шуни қайд этиш лозимки, "Ўзсаламан" маъмурияти тўрт қаватли маъмурий бино биринчи қаватининг бир қисми билан қаноатланиб, қолган учта қават ҳамда деярли бир квартални эгаллаган ишлаб чиқариш биносининг сўл қанотидаги тўртта қаватни янги ишлаб чиқаришларга берса, айни муддао бўлар эди. Узоқ йиллар давомида майдоннинг туядек улуши фойдаланилмай, бўш туриши билан асло келишиб бўлмайди. Бу гап собиқ пойабзал фабрикасининг икки қаватли ошхонасига ҳам тааллуқли.

Бугунги кунда "Ўзсаламан"нинг иккита фирма магазини бор, бири Фарғонада, иккинчиси эса Тошкентда. Уларда сотилаётган пойабзал маҳаллий аҳоли ўртасида харидоргир, негаки чармдан ясалганига қарамай, нархи мақбул. Сифатга келсак. Бундан икки-уч йил муқаддам Фарғона бизнес-форумда сўзга чиққан москвалик иштирокчи маҳаллий корхона томонидан ишлаб чиқарилган сифатли чарм туфли сотиб олганлигини мамнуният билан гапиргани эсга келди. Бу, пойабзалчиларимизнинг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир эканлигидан далолат эмасми? Лекин гап бу ҳақда эмас, "Ўзсаламан"нинг иқтисодий аҳволи ҳақида эмас, балки бундан 50 йил муқаддам давлат томонидан (корхона томонидан эмас!) қурилган корхонанинг фойдаланилмай келаётган ишлаб чиқариш майдони ҳақида кетаётир. Дарҳақиқат, бунга ачинмай бўлмайди, чунки тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг биринчи талаби – бинонинг йўқлиги сабабли, қанчалаб истиқболли лойиҳалар ташаббускорлари уларни рўёбга чиқаролмай сарсон.

— Корхонамиз режасида модернизация ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш назарда тутилган бўлиб, бу, бизга келаси йилнинг иккинчи чорагига қадар 100 та янги иш ўрни яратиш имконини беради, — дейди "Ўзсаламан" ОАЖ бош директори ўринбосари Абдуллахон Қосимов. — Ишлаб чиқариш биносининг чап қанотида таъмир ишлари бошлаб юборилган, ишлар тугалланиши билан Хитойда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуна ўрнатилади.

Мавжуд 170 та, янги 100 та, жами 270 та иш ўрни. Лекин, ишлаб чиқариш майдонида бундан-да кўп иш ўрнини яратиш имкони бор. Демакки, юзлаб ишсизлар доимий даромад манбаига эга бўлишлари мумкин! Тўғри, бунинг учун сармоя киритиш лозим, аммо акциядорлар янги ишлаб чиқаришларга маблағ сарфлашга шошилишмаётганга ўхшайди. Афтидан, улар мавжуд аҳволдан рози.

Яқинда ҳам бу ерда Технопарк деб аталмиш, бироқ ҳақиқий технопаркка ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, фақат иккитагина кичик хусусий корхонадан иборат мажмуа ташкил этилганди. Улардан бири целлофан қопчалар, иккинчиси эса пойабзал ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Номаълум сабабларга кўра, улардан бири Фарғона механика заводи ҳудудидаги кичик саноат зонасига, иккинчиси эса собиқ "Искож" заводи депарасига кўчиб ўтган. Бу, Технопаркнинг номига ташкил этилганидан гувоҳлик бермайдими? Хуллас, шу тариқа ҳозир корхона ижарачилари қаторида иккита — маъмурий бинода жойлашган стоматология ва корхонанинг автогаражида ишлаётган автомобилларни ювиш корхонаси қолган, холос.

Тагчармни ясаш учун фойдаланиладиган материал — полиуретанни "Ўзсаламан" Туркиядан олади, пойабзал усти учун хом ашё эса Қўқон чарм заводидан келтирилади. Полиуретан — арзон, лекин мустаҳкам, чидамли синтетик полимер. Уни тайёрлашда хом нефтдан олинадиган полиол ишлатилади. Узоқ жойдан келтириб ўтирмасдан, импорт ўрнини босиш тартибида бу полимерни ишлаб чиқаришни ўзимизда йўлга қўйиса бўлмасмикин?

— Кўриб турганингиздек, корхонамиз шаҳарнинг марказий маҳаллаларидан бирида ўрнашган, шу сабабли бу ерда кимёвий ишлаб чиқаришни, тери ошлашни ташкил этиш номаъқул, — дейди бош директор Равшан Абдуллаев. — Бундай ишлаб чиқаришлар экология талабларига жавоб бермайди.

Хўп, шаҳарда ташкил этишнинг иложи бўлмаса, чекка, овлоқроқ жойда йўлга қўйиш мумкиндир.

Нима бўлганда ҳам, самарадорликни ошириш мақсадида корхона раҳбарияти, айтайлик, турдош корхоналарни бирлаштирадиган кластер ташкил этиш тўғрисида ўйлаб кўрса бўлармиди. Бир гуруҳга бирлашган бундай ишлаб чиқаришлар олинган мажбуриятларга юксак масъулият билан ёндошар эдилар. Яна битта таклиф бор. Айни пайтда бу ерда ишлаётган ва келажакда ишлаши жоиз корхоналарни бирлаштирган Пойабзал уйини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф. Бу уй қошида кўргазмали залига эга модель марказини очиш мумкин бўлиб, унда ички ва ташқи бозор учун аталган пойабзалнинг янги моделларини намойиш қилиш мумкин. Бу таклифлар юзага келган вазиятдан чиқиш йўлларидан биридир, балки. Нима бўлганда ҳам "Ўзсаламан" ривожланиш тўғрисида қайғурмаса бўлмайди. Бугунги рақобат кучли (хусусан, пойабзал бозорида) бўлган шароитда юлдуз санаш мавриди эмас, аксинча, изланиш, қидириш, олға силжиш тақозо этилади.

**Тамара ТОШМАТОВА.**
**Ш. ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**

---

Бундай тажриба бор-ку!

## КЕЧАГИ ХАРОБА ЖОЙДА БУГУН ЙИРИК КОРХОНА




**Тадбиркорликнинг ўзига хос машаққати бор. Бундан чўчимаган, қатъий мақсад сари интилган киши, албатта, ниятига эришади. Марғилонлик тадбиркор Наргиза Аминова сўзи ва амали бир тадбиркорлардан. "Наримтекс" корхонасини ташкил этиб, аёллар учун пальтолар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотларга нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда.**



Давлатимиз раҳбари 2018 йил 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида "Наримтекс" масъулияти чекланган жамиятидаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишиб, янги лойиҳа бўйича таклиф берган эди. Шаҳардаги собиқ "Атлас" фирмасига қарашли бўш турган бино ноль қийматда берилди.

— Бино ва ҳудуд жуда аянчли ҳолатда эди, — дейди Наргиза Аминова. — Бу ерни тозалаш учун 5 ойдан ортиқ вақт кетди, юзлаб машиналарда чиқиндилар олиб кетилди. Жунли матолар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаси Ўзбекистон учун янгилик эди. Президентимиз ишончини оқлаш учун тинмай ҳаракат қилдик. Тадбиркор учун баҳона бўлмаслиги, асосийси, катта ишдан чўчимаслиги керак. Вилоят раҳбарининг қўллаб-қувватлаши мадад бўлди. 50 минг квадрат майдоннинг ярмида лойиҳанинг биринчи босқичини ишга туширишга муваффақ бўлдик. Маҳсулот чиқди, бу катта ютуқ.



Дарҳақиқат, тадбиркор томонидан ташкил этилган "Uzwoolentex" қўшма корхонасида айни кунларда формали кийимлар учун жун аралашмали матолар ишлаб чиқарилмоқда. Умумий қиймати 8,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди.

Янги лойиҳа бир вақтнинг ўзида 300 нафар маҳаллий ёшлар бандлигини таъминлаш имкониятини берди. Шу кунга қадар тўқув, сифатни назорат қилиш, пардозлаш ва лаборатория цехлари юқори унум билан ишламоқда. Тўқимачилик тармоқлари ривожланган мамлакатлардан олиб келинган сўнгги русумдаги ишлаб чиқариш ускуналарини маҳорат билан бошқараётганларнинг асосини марғилонлик ёшлар ташкил этади.

Бўш турган бинодан самарали фойдаланиш мақсадида йирик лойиҳанинг иккинчи босқичи — жун аралашмали калава ип ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Янги цех 400 нафардан ортиқ маҳаллий ёшлар бандлигини таъминлайди. Йиллик ип ишлаб чиқариш қуввати 840 тоннани, ундан тўқиладиган мато эса 2 миллион погонометрни ташкил этади. Мазкур лойиҳа ҳарбийлар ва давлат хизматчилари формали кийимлари учун ип ишлаб чиқариш ва дунё бозорида харидоргир бўлган поливискоза, полиэстер-пахта аралашма таркибли матолар тайёрлаш имкониятини берди.

Илгарилари жун аралашмали матолар фақат импорт эвазига олиб келинарди. Бўш турган бинода амалга оширилган лойиҳа маҳсулотни маҳаллийлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.**
**Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.**

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ҚАРОРИ

*47-сон* *2020 йил 25 декабрь* *Фарғона шаҳри*

# БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партияси вилоят Кенгашлари томонидан бўшаб қолган ўринга халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 20, 90, 91, 92, 93-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бўшаб қолган ўринга халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар этиб қуйидагилар рўйхатга олинсин:

| Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Партияга мансублиги | Эгаллаб турган лавозими | Доимий яшаш жойи | Номзод кўрсатган сиёсий партиянинг номи |
|---|---|---|---|---|---|
| **2-Мирзо Улуғбек сайлов округи** | | | | | |
| Усманов Акрамжон Ахмаджонович | 1958 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | Фарғона политехника институти молия-иқтисод йўналиши проректори | Фарғона вилояти, Қўштепа тумани | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| Ғаниева Шахноза Маъмировна | 1984 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси | Фарғона шаҳар "Роза-Ал" хусусий корхонаси раҳбари | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси |
| Бозаров Хайрулло Хайитбаевич | 1976 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати— Ўзбекистон либерал демократик партияси | Фарғона вилояти ҳокими в.б | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон либерал демократик партияси |
| Алиев Элёржон Наримонович | 1985 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси | Фарғона вилоят силга қарши кураш диспансери бош врачи | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси |
| Рахмонова Азадахон Джураевна | 1967 | Ўзбекистон Экологик партияси | Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 1-аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати директори | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри | Ўзбекистон Экологик партияси |

2. Фарғона вилоят сайлов комиссияси котиби А.Отабоев халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги қарорни маҳаллий матбуотда қонунда белгиланган муддатда эълон қилинишини таъминласин.

**Фарғона вилоят сайлов комиссияси раиси** **Э.НУРАЛИЕВ.**

---

**Жараён**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Дониёр Ғаниев Марғилон шаҳрида сайловчилар билан учрашди.

# САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВДА ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛДИ?




Бу ерда коммунал масалалар, тадбиркорлик учун ер майдони ажратиш, банк кредитлари олиш, нафақа тайинлаш, уй-жой билан таъминлаш, йўл, оқова сув тармоғида юзага келаётган муаммо ва носозликларни бартараф этиш каби кўплаб масалалар ўртага ташланди.

Табиий газ, электр энергияси етказиб бериш юзасидан билдирилган мурожаатлар ечимига эътибор қаратилди. Хусусан, "Турват" газ тақсимлаш станциясидан истеъмочиларга янги тармоқ ажратиш учун "Ўзтрансгаз" АЖдан техник шарт олинди. Электр тармоқлари корхонасига куз-қиш мавсуми давомида юзага келган носозликларни бартараф этиш мақсадида қўшимча техника ва механизмлар билан таъминлашга келишилди.

—Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, қадр-қиммати туради, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дониёр Ғаниев. — Муаммолар ва уларнинг ечимларига эътибор қаратдик, таклиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватладик.

Ёшлар билан учрашувда таълим-тарбия, касб-ҳунар ўрганиш, бандликни таъминлаш каби мавзулар муҳокама этилди.

**А. МАНСУРОВ, Ш. ТЎХТАМАТОВ.**

---

**Малика Мирзаева 80 ЁШДА**

# АДАБИЁТ — катта йўлга қўйилган ойна



**Инсон зоти азалдан шеъру қўшиқдан ёруғлик, дардига малҳам излайди, кўнглидаги гапларини сўзга қўшиб, хиргойи қилади. Қалбларга эзгулик уруғини қадагувчи ижод аҳлининг исми, шарифи олдига "севимли" сўзининг урғу бериб, қўшиб айтилиши ҳам шундан.**

Бу йил халқимизнинг севимли шоираси Малика Мирзаева саксон баҳорни қаршилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида ўтказилган адабий кеча дилбар шоира ижодига бағиш-ланди. Тадбирда вилоятимиздаги таниқли журналистлар, шоир, ёзувчилар, Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби ўқувчилари ҳамда шоиранинг мухлислари иштирок этди.

— Малика Мирзаевани билмаган, унинг қўшиққа айланган мисраларини ёд олмаган адабиёт мухлиси бўлмаса керак, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Зуҳра Алиева. — Шоира шеърларида ҳаётсевар, оловли қалб эгасининг ўзига хос қўшиқлари жаранглаётгандай бўлади. Малика Мирзаева узоқ йиллар вилоят ҳокимлигининг бош нашри — "Фарғона ҳақиқати" газетасида фаолият юритди. Устоз отахон газетанинг "катта қозонида пишган" журналист, моҳир публицист сифатида ибратли ижод мактабини яратди.

Жорий йилда шоиранинг энг сара шеърлари ва замондош ижодкорлар ҳамда устозларнинг Малика Мирзаева ҳақидаги мулоҳазалари асосида чоп этилган "Лутфона битиклар" асари барчамиз учун кутилган тухфа бўлди. Китобдаги аксарият шеърлар аллақачон мухлисларнинг қалбидан ўрин олиб бўлган. Ҳиссиёт ва фикр ҳаётнинг корига яраса, чигалликларга жавоб, жароҳатларга малҳам бўлолса, унинг қоғозда қолиб кетмагани шу. Тадбир давомида ёш ижодкорлар устоз шоира ҳаёти ва ижодидан илҳом олиб ёзган бағишлов шеърларини йиғилганларга ўқиб бердилар.

Шу куни яна бир улуғ шодиёна хушхабари янгради. Вилоятимизда яшаб, ижод қилаётган 12 нафар ижодкорлар — болалар шоирлари Вали Аҳмаджонов, Зафар Исомиддин, адабиётшунос олимлар Рашидхон Шукуров, Қаҳҳор Йўлчиев, таниқли романавислар Ғофур Пўлатов, Ҳамид Бурҳонов, Аъзамжон Бўтаев, Расулжон Гадоев, истеъдодли шоиралар Ҳанифа Умматқулова, Карима Ашурова, Ўктамхон Солиева, Фарида Ҳусайинова Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

"Адабиёт — катта йўлга қўйилган ойна. Унда ҳар бир миллат ўзлигини кўради", дейди улуғларимиз. Ижод аҳлига берилган эътибор, рағбат умрбоқий асарларнинг ёзилишига турткi, шоир илҳомига қанот бўлади. Зеро, сўз заргарларини ардоқлаган, китобга ошно халқни енгиб бўлмаслигини замоннинг ўзи маъқуллаб турибди.

**Дилшода ЭРГАШЕВА.**

---

**Таълимдаги оғриқлар**

# БИЛИМСИЗЛИК – ИСИТМА, КАСАЛИНГИЗНИ ОШКОР ҚИЛИБ ҚЎЯДИ, УСТОЗЛАР!



**1О**

Қўқон шаҳридаги 28-мактабга киргач, бошланғич синф ўқитувчиси Нигора Ўсаровага худди шу савол билан юзландим: "Ўзингизнинг фарзандларингизга вақт ажрата оласизми?"

– Турмуш ўртоғим ҳарбий, асли Андижонданмиз. Қизим 1-синфни у ерда, бобо-бувиларининг назоратида тугатди. 2-синфдан ўқишини шу мактабга кўчирдик. Ҳозир энди эрта-ю кеч кўзимнинг олдида, ўқитувчисидан билими, ахлоқи, уй вазифаларини тинимсиз сўраб тураман. Турмуш ўртоғим ҳам бефарқ эмас. Уйга келиши биланоқ қизининг кундалигини, уй вазифаларини текширади, тушунмаганини тушунтиради, шеър, эртаклар сўрайди.

"Дарслар сифатидан қониқасизми?" деган саволимизга 6-ИДУМнинг 4-синфида таҳсил оладиган қизи Сакина Дадажоновани кираверишда кутиб турган Муҳайё Дадажонова шундай дейди: "Мактаб билан мактабнинг жуда катта фарқи бор. Ёлғиз қизимни яхши таълим олиши учун "Зиё" хусусий мактабига бергандим. Лекин Ферузахон Қаҳҳорова директор бўлиб келганларидан кейин 6-ИДУМнинг рейтинги ошди. Кўпчилик ота-оналар фарзандларини шу ерга ўқишга беришни исташади. Ўқитувчиларнинг салоҳияти, шароит, айниқса, тарбия, маданият ва озодаликка бўлган эътибор хусусий мактабларникидан қолишмайди. Ҳамма гап раҳбарда экан, она сифатида шуни тушундим. Қизимнинг билими, иштиёқи, тарбиясида кўп ижобий ўзгаришларни сездим. Ўқитувчини шунчалик яхши кўриш мумкинлигини қизим мисолида кўряпман. Синф раҳбари Раҳима Азимовнани хурсанд қилиш учун дарс қолдирмасликка, кечикмасликка, ҳамма вазифаларини тўлиқ бажаришга ҳаракат қилади. Жуда миннатдорман устозимиздан".

Дунёдаги барча ота-оналарнинг нияти бир хил – фарзандини ўқимишли, тарбияли, эл-юртга нафи тегадиган бўлишини истайди. Бироқ, мақсад сари ҳаракат, йўналиш, интилиш турлича. Демак, ҳосил ҳам шунга яраша бўлади.

### Нега ойни этак билан ёпишга уринамиз?!

Фарғона вилояти Қўқон шаҳри халқ таълими бўлими таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Умида Асқарованинг таълимга оид йиғилишда 3 соатлик маърузa қилгани, 20 дан ортиқ камчилик борлигини санаб, келтириб ўтгани тилидан лоп этиб чиқди-ю, бизга битта сабаб келтиришдан чўчидими, яширдими – ички сезими бизга қоронғи, "таълим сифатининг пасайиб кетишидаги асосий омил нима?" деган саволимизга аранг жавоб берди...

Жавоб – ижро интизомидаги оқсоқлик экан. Яна шу эскича қараш, эски тизим ҳиди анқийди. 70-80 фоиз ҳужжатлар ижросида камчиликлар чиққан эмиш. Ахир, болаларнинг билимлари пасайишига бу ҳужжатларнинг мутлақо алоқаси йўқлигини ҳамма ҳам билади-ку! Бу ҳужжатлар бюрократия учун, ўқитувчиларнинг текширувчилар олдида "очко" олиши учун, гўёки тинимсиз, самарали ва намунали ишлаганини исботлаш учун керак, холос.

Ҳартугул, педагогларнинг ўз устида ишламасликлари, ишга коррупция, таниш-билиш аралашуви, раҳбарларнинг лидер эмасликлари, ўз ортидан ходимларини эргаштира олмасликлари, ўз навбатида ҳимоя қилолмасликлари, носоғлом муҳит ҳам таъсир қилиши мумкинлигини тан олдилар. "Коррупция ёки таниш-билиш билан ишга кирган педагогдан биз сифат кутолмаймиз, раҳбарнинг ҳам тили қисиқ бўлади".

Ҳали ошкор этилмаган ҳайъат йиғилиши қарорига кўра, 9 та мактаб раҳбарининг меҳнат шартномаси бекор бўлган, фаолиятида қатор камчиликларга йўл қўйилган директор ўринбосарларига ҳайфсан, иш ҳақидан 30 фоиз чегириб қолиш каби интизомий чоралар кўрилиши айтилган.

Худди шу савол билан 6-ИДУМ директори Феруза Қаҳҳоровага юзландик. "Ўқувчиларнинг билимга иштиёқи паст ёки баланд бўлиши биринчи ўринда педагогга боғлиқ. Шундай педагоглар борки, уларнинг дарсида давомат 100 фоиз бўлади. Энг қизиғи, уларни ҳеч ким мажбурлаб олиб келмайди синфхонага. Ўша ўқитувчини ҳурмат қилгани, яхши кўргани, қолаверса, ундан яна нимадир янги билим олишга интилгани учун келишади.

Иккинчи омил – оилавий муҳит. Кўпинча жанжалли, моддий томондан қийналган оила фарзандларининг ўқиши, давомати ва хулқида салбий жиҳатлар кузатилади: ҳаётдан безган, ўқишнинг қизиғи йўқ, агрессив, тушкун, одамови, хулқи оғир...

Янаям охирги икки йил ичида мактабимизга эркак ўқитувчиларнинг қайтиши ўқувчиларимиз хулқи, онгида катта ижобий резонанс берди. Биринчидан, биз фақат қизлар тарбиясига эътибор қаратиб, гўёки ҳамма масъулиятни уларнинг бўйнига илиб қўйдик. Иккинчидан, йигитлар оилада ҳам, мактабда ҳам таълимни аёл кишидан оладиган бўлди. Ўз-ўзидан эркаклик шашти, ғурури, масъулияти пасайиб кетди. Айни пайтда ўқувчи йигитлар 10 нафардан зиёд эркак ўқитувчидан билимдан ташқари, маданият, оила ва жамиятдаги фаоллик, эркакча тарбияни ҳам андоза қилиб олмоқдалар".

Ота-оналарнинг фарзандидан кутадигани бир хил дея иккиланмай айта оламиз. Аммо ўқитувчиларнинг ҳам мақсади, ишига масъулияти, ўқувчисидан кутаётгани бир хилмикан? Инглиз тилидан дарс берувчи бир танишимнинг уялмай айтган иқроридан сўнг, биз фарзандларимизни кимга ишониб топширяпмиз, деган хавотир ичида қолдим. Бу хавотир кундан-кунга ошмоқдаки, камайгани йўқ.

– Дарсликда берилган матнни шундоқ доскага кўчираман-у, дафтарингизга ёзиб олинг, дейман.

– Бўлдими?

– Ҳа, жонимни қийнаб зарил кептими? Билим керак бўлса, репититорлик курсимга ёзилсин!

8-синф ўқувчилари ҳақида гап кетаётган эди-да. Ҳайратдан тилим айланмай, донг қотиб қолдим.

Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоровнинг ҳам куюнганича бор: "Мен ўзим Қўқондаги бир қатор мактабларга бориб, ўқувчилар билан суҳбатлашдим. Илгари билимимизни аниқлаш учун биздан карра жадвалини сўрашарди. Ҳозирги ўқувчилар ҳатто бугун қандай кун, қайси фанлар ўтилишини, ҳатто санашни ҳам билмаяптилар. Давомат ноль даражада. Очиғини айтиш керак, ўқувчилар онлайн дарсларда умуман қатнашмаганлар. Хўш, эртага уларнинг тақдири нима бўлади?"

Бу оғриқли саволга масъулиятсиз, билимсиз ўқитувчилар жавоб бера олармиканлар? Биргина ўзини деб неча юзлаб ҳамкасбларининг юзига қора чаплаётганини, юзини ерга қаратаётганини ҳис қилармиканлар? Начора, нур бор экан, соя ҳам бўлаверади. Фақат унутмангки, виждон азоби деган гап ҳам йўқ эмас.

**Севара АЛИЖОНОВА.**

---

**"COVID - 19":**

# НИҚОБНИ ТАШЛАШГА ШОШИЛМАНГ!

**Дунё олимлари, хусусан, республикамиз шифокор мутахассислари тадқиқотига кўра, коронавирус иссиқ ёки совуқ ҳавода нобуд бўлмаслиги деярли тасдиқланди. Яъни, ҳаво ҳарорати қанчалик совуқ бўлса, вируснинг яшаш имконияти кучайиши кузатилган. Шунинг учун ниқоб ва қўлқопларни белгиланган қоидага риоя қилган ҳолда тақиб юриш, ижтимоий масофани сақлаш, доимий равишда қўлларни совунлаб ювиш ёки антисептик воситалар билан ишлов бериш талаб этилмоқда.**

Бундан ташқари, фуқароларимизга эслатиб ўтмоқчимизки, кўча-кўйдан уйга қайтганда кийилган устки кийимларни даҳлизда қолдиринг, қўлларни узоқ муддат совунлаб ювинг, юз-кўзларни, томоқ-бурунларни иссиқроқ сувда камида уч марта чайиб ташланг. Шу тариқа, уйингизга вирус кирмаслигининг олдини олган бўласиз.

Сўнгги вақтда коронавирус туфайли жаҳонда карантин чекловларининг амал қилиш муддати узайтириб борилаётганлиги, айрим Европа мамлакатларида коронавируснинг янги варианти билан боғлиқ вазият назорат остидан чиққанлиги, шунингдек, янги 2021 йил кириб келаётганлиги инобатга олиниб, мамлакатда эпидемиологик вазият барқарорлигини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, вазирлик, идоралар, корхоналар ва бошқа ташкилотларга турли хил корпоратив байрам тадбирлари ташкил этиш, шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари ҳамда олий таълим муассасаларида тарбияланувчилар, ўқувчилар ва талабалар иштирокида ёпиқ биноларда турли байрам тадбирлари ва кечаларини ташкил этиш ва ўтказиш тақиқланди ҳамда фуқароларга Янги йил байрами тадбирларини оила даврасида ўтказиш тавсия этилди.

Сиз касал эмасман ёки бу касалликдан тузалганман, ниқоб тақмасам ҳам бўлади, дейишга шошилманг. Боиси, касалликнинг яширин даврида вирус аломатларини сезмаслигингиз ва уни тарқатувчи бўлишингиз мумкин.

Агар эътибор берсангиз, баъзи шахслар ниқобни юзининг ияк қисмига тушириб олади, баъзилари эса ҳимоя воситасини чўнтагига солиб қўйганига гувоҳ бўласиз. Айниқса, жамоат жойларида, йирик мажмуаларда савдо-сотиқ билан шуғулланаётган айрим тадбиркорлар ниқоб тақишни "унутиб қўйишмоқда". Эсдан чиқармаслик керак, ниқоб оғиз-бурунни тўлиқ ёпмаса, унинг ички қисмига вируслар ўрнашиб олади ва инсоннинг коронавирусдан зарарланиш эҳтимоли ортади.

"COVID-19" инфекцияси тарқалиши дунё миқёсида ҳали-ҳануз катта муаммо бўлиб қолмоқда. Ўтган фурсат давомида бу инфекциядан сақланишнинг биринчи йўли шахсий гигиенага ва карантин қоидаларига риоя қилиш экани маълум бўлди. Мазкур қоидаларнинг биринчи талаби эса ниқоб тақиб юриш ҳисобланади. Коронавирус хавфи мавжуд экан, ниқобни ташлашга шошилманг!

**Аҳмаджон ЯКУБОВ,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи.**

---

Фарғона тумани компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежини 2017 йилда тамомлаган Ахроров Ахлиёр Хушнуджон ўғли номига берилган К 4784627 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Риштон тумани 15-ўрта таълим мактабини 2007 йилда тамомлаган Абдурахмонова Нодирахон Абдусаломовна номига берилган O'R-SH 0581862 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Риштон тумани 37-ўрта таълим мактабини 2000-2001 ўқув йилида тамомлаган Султонова Нозимахон Азизовна номига берилган O'R-A 1168367 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олтиариқ саноат касб-ҳунар коллежи (ҳозирги Фарғона давлат университети ҳузуридаги Олтиариқ саноат техникуми)ни 2018 йилда тамомлаган Хомиджонов Хусниддин Умиджон ўғли номига берилган К 5240017 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар санъат коллежи (ҳозирги Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактаби)ни 2017 йилда тамомлаган Алижонов Жаҳонгир Низомидин ўғли номига берилган К 4765034 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олтиариқ тумани, "Тинчлик" МФЙ, Алишер Навоий кўчаси, 20-"а" уй, 4-хонадонда жойлашган "UZOR FERGANA" масъулияти чекланган жамияти номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



# «Farg'onaazot»

акциядорлик жамияти жамоаси

*меҳнаткаш ва бунёдкор халқимизни кириб келаётган*

## *Янги — 2021 йил*

*билан қизғин муборакбод этади!*

**Мамлакатимизда табиат қийинчиликларига қарамай пахтачилик, ғаллачиликда, мева-сабзавот етиштиришда қувончли натижаларга эришилди. Бу ютуқларда жамоамизнинг муносиб ҳиссаси борлиги билан фахрланамиз.**



Янги йил элимизга улкан зафарлар, қувонч ва хурсандчиликлар олиб келсин!



# "КВАРЦ"

акциядорлик жамияти жамоаси

**юртимиз, вилоятимиз аҳлини ва барча қувасойликларни кириб келаётган**

## *Янги йил*

**билан чин юракдан қутлайди.**

**Корхонамиз мустақиллик йилларида янада кенгайиб, замонавий техника ва технология билан жиҳозланди. Халқимизга етказиб берилаётган маҳсулотлар тури кўпайиб, сифат кўрсаткичлари замон талаблари даражасига етказилди.**

Бу йилги барча қийинчиликларга қарамай жамоамиз Янги йилни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олмоқда. Бошланаётган йил халқимизга катта қувонч, омад ва бахт-саодат олиб келсин!

# "HUDUDGAZ FARG'ONA"

gaz ta'minoti filiali жамоаси

**мамлакатимиз, вилоятимиз аҳлини**

## Янги йил билан

**табриклайди.**

**Фидойи халқимизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, фаровон ҳаёт ва улкан муваффақиятлар тилайди. Биз — газчилар халқ хўжалиги ва аҳолига арзон ва қулай ёқилғини ўз вақтида етказиб беришга, давлатимизнинг бу соҳадаги қарор, топшириқ ва кўрсатмаларини изчил амалга оширишга ҳаракат қилмоқдамиз.**



**ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

# "ФАРҒОНА ЙЎЛЛАРДАН МУНТАЗАМ ФОЙДАЛАНИШ"

**унитар корхонаси жамоаси**

**барча ватандошларимизни кириб келаётган**

## Янги йил билан

**муборакбод этади.**

**Янги йил мустақил Ўзбекистонимизга янги ютуқлар олиб келсин! Аҳолининг оғирини енгил, узоғини яқин қилишда кенг, текис ва замонавий йўлларнинг ўрни беқиёсдир. Жамоамиз ана шундай улкан вазифаларни амалга оширишга, вилоятимиз йўлларини янгилаш ва такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Йўлингиз ҳамиша равон ва бехатар бўлсин!**



МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ

Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

*Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.*

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.

Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти www.fargona.uz

Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Газета таҳририятига юборилган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.

*Босишга топшириш вақти: 19.00. Топширилди: 19.00.*

Буюртма: 835
Индекс: 7521
Адади: 3 770

Саҳифаловчи Алишер Розиқов.

ISSN: 2010-8370

*Газета чоршанба ва шанба кунлари чиқади.* ■ Баҳоси келишилган нархда. ■ Навбатчи муҳаррир Расулжон Камолов. ■ *Газета сифати учун босмахона масъул.*